Анализ правовых актов, регулирующих деятельность комиссий зарубежных стран показал, что им предоставляются оперативные полномочия (принимать решения о замораживании имущества, направлять запросы, запрашивать и получать необходимые материалы, в том числе от компетентных органов иностранных государств и др.), что позволяет им осуществлять свою деятельность как на политическом, так и оперативном уровне. Однако комиссии в Узбекистане наделены полномочиями, характерными для осуществления межведомственного сотрудничества на политическом уровне. Вдобавок, указанные в Национальной оценке рисков системы ПОД/ФТ Узбекистана угрозы не в полной мере находят свое отражение в организации практики борьбы с транснациональными финансовыми преступлениями, что, как отмечает автор, является показателем необходимости совершенствования межведомственного сотрудничества в данной области. Следовательно, автором предлагается оптимизировать деятельность комиссий в рамках

предложенного Закона «О межведомственном взаимодействии и координации деятельности правоохранительных органов».

Обслуживание каждого отдельного элемента системы борьбы с ОД/ФТ осуществляется специально обученными сотрудниками и их деятельность поддерживается соответствующими руководящими и обучающими материалами.

В рамках исследования установлено, что борьба с транснациональными финансовыми преступлениями предполагает интеграцию в международный правоохранительный режим (Ромашев Ю.С., Загарис Б.) и возникает необходимость совершенствовать механизмы международного сотрудничества.

В ходе анализа диссертантом установлено, что компетентные органы зарубежных стран (Австралия, Корея, Финляндия, Швеция), используя современные системы управления делами для обработки входящих и исходящих запросов, осуществляют международное сотрудничество как с правоохранительными органами, так и другими ведомствами, вовлеченными в систему ПОД/ФТ иностранного государства в двух формах:

- а) формальное (институт взаимной правовой помощи);
- б) неформальное (прямое сотрудничество).

В диссертации отмечается, что международные организации также способствуют формированию международного правоохранительного режима не только путем разработки стандартов в области борьбы с транснациональной финансовой преступностью, но и оказания содействия в установлении и укреплении взаимодействия государств в данной сфере, а также поощрения интеграции государств в данный режим.

В целях формирования комплексного понимания роли международных организаций в борьбе с транснациональными финансовыми преступлениями на основе анализа взглядов представителей юридической науки (Моравецкий В., Москеллой М. Ньёматов Ж.А., Ромашев Ю.С.), международные организации разделены на следующие группы:

1) международные организации, выполняющие регулятивную функцию, которые устанавливают нормы и образцы морального, политического или юридического характера, призванные соответствующим образом формировать поведение участников международных отношений в области противодействия транснациональным финансовым преступлениям (ООН, ФАТФ, Европейский Союз, Совет Европы, СНГ, ОАГ и др);

2) международные организации, выполняющие контрольную функцию, которые устанавливают фактическое состояние и сопоставляют его со стандартами для приведения в соответствие с ними поведения участников международных отношений (региональные группы по типу ФАТФ, Группу надзорных органов международных финансовых центров (ГНМФЦ) и ОЭСР);

3) международные организации, выполняющие оперативную функцию, которые оказывают различные услуги в области борьбы с транснациональными финансовыми преступлениями на основании собственных решений и ресурсов (Интерпол, Европол, Евроюст, Группу «Эгмонт», ряд организаций в рамках СНГ, а также Сети ARIN).

В свою очередь, в ходе исследования выявлено, что, несмотря на высокий уровень доступа правоохранительных органов к возможностям некоторых международных организаций, было установлено, что деятельность Межведомственной группы по возвращению активов западной и Центральной Азии (ARIN-WCA), которая занимается обеспечением оперативного обмена информацией с зарубежными партнерами в этой области, широко не используется.

Несмотря на то, что в настоящее время нет никаких законодательных преград для использования сети национальными правоохранительными органами, но выявлены:

а) бюрократический взгляд к практике осуществления международного сотрудничества;

б) недостаточная информированность;

в) отсутствие ведомственных нормативных актов, регулирующих вопросы международного сотрудничества с использованием возможностей неформальных сетей, становится преградой для представителей национальных правоохранительных органов в пользовании сетью.

В этой связи, в рамках исследования на основе анализа передовой зарубежной практики (Австралия, Корея, Финляндия, Швеция) автором выдвинуты предложения о:

- законодательном урегулировании вопроса прямого (неформального) международного сотрудничества правоохранительных органов;

- создании специального отдела прямого (неформального) международного сотрудничества при Международно-правовом управлении Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан;

- интеграции электронной системы управления делами для обработки входящих и исходящих международных запросов.

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

По результатам научного исследования на тему «Совершенствование деятельности правоохранительных органов в борьбе с транснациональными финансовыми преступлениями» сделаны следующие выводы, имеющие теоретическое и научно-практическое значение:

I. Научно-теоретические выводы:

1. В результате научно-теоретического анализа признаков, отдельных функций и задач правоохранительной деятельности предложено включить «наделенные правом инициативного (проактивного) применения мер государственного принуждения в ходе реализации возложенных задач» в качестве признака понятия «правоохранительные органы», а также разграничен круг правоохранительных органов, уполномоченных

в осуществлении борьбы с транснациональными финансовыми преступлениями.

2. Раскрыто содержание понятия транснациональные финансовые преступления, под которыми понимаются общественно опасные деяния ненасильственного характера, посягающие на финансово-экономические отношения государства и запрещенные уголовным законодательством под угрозой применения наказания на территории нескольких государств, где совершена хотя бы часть такого деяния. Кроме этого, легализация (отмывание) преступных доходов и финансирование терроризма предложены как виды транснациональных финансовых преступлений.

3. Предложена новая классификация международных стандартов в зависимости от факторов, влияющих на эффективность организации борьбы с транснациональными финансовыми преступлениями, условно объединив их в следующие группы:

а) стандарты, направленные на совершенствование нормативно-правовой базы;

б) стандарты, направленные на совершенствование институтов борьбы с указанными преступлениями;

в) стандарты, направленные на совершенствование практики применения существующих механизмов противодействия и осуществление методической поддержки деятельности компетентных органов в данной области.

4. В целях обеспечения установления постоянного диалога и повышения эффективного международного сотрудничества между правоохранительными органами по борьбе с транснациональными финансовыми преступлениями предлагается классифицировать международные организации, осуществляющие свою деятельность в данной области, разделяя их на международные организации, выполняющие: а) регулятивную функцию; б) контрольную функцию; в) оперативную функцию.

5. Обоснована зависимость эффективности системы ПОД/ФТ страны от формирования у субъектов системы ПОД/ФТ соответствующего уровня понимания рисков ОД/ФТ путем выработки четких стратегических планов, обеспечения координации деятельности компетентных органов, создания соответствующей системы обмена информацией на международном и национальном уровнях, необходимой институциональной и правовой базы для обеспечения возможности эффективного использования оперативных данных финансовой разведки, другую информацию, относящуюся к делу, для проведения расследований по фактам ОД/ФТ, а также организации обучения для внедрения эффективных, практических и актуальных знаний.

6. Установлено, что для обеспечения эффективного взаимодействия и сотрудничества между компетентными органами, а также определения политики и выработки стратегии по борьбе с транснациональными финансовыми преступлениями необходимо обеспечить осуществление координации на политическом (понимание рисков всеми участниками системы ПОД/ФТ, реализация стратегии и др.) и оперативном

(сотрудничество между правоохранительными органами для борьбы с ОД/ФТ) уровнях.

7. Обозначена тенденция пользования современными системами управления делами для обработки входящих и исходящих запросов зарубежных стран, а также осуществления формального и неформального (прямого) международного сотрудничества как с правоохранительными органами, так и другими ведомствами, вовлеченными в систему ПОД/ФТ страны для обеспечения сотрудничества и налаживания системного диалога с зарубежными партнерами.

II. Выводы и рекомендации, направленные на совершенствование правовых основ борьбы с транснациональными финансовыми преступлениями:

1. В целях обеспечения вовлеченности всех компетентных правоохранительных органов в процесс борьбы с легализацией (отмыванием) преступных доходов, а также снятия существующих процессуальных барьеров при осуществлении деятельности в данной области предлагается рассмотреть ст. 243 Уголовного кодекса Республики Узбекистан преступлением с альтернативной подсудственностью, предварительное расследование по которому производится органом, возбудившим дело путем внесения соответствующих изменений в ст. 345 Уголовно-процессуального кодекса Республики Узбекистан.

2. Предложено сформировать единую практику в организации деятельности групп компетентных органов в рамках уголовного преследования путем разграничения понятий «следственная группа», «группа следователей» от понятия «следственно-оперативная группа» по субъективному составу и внесения соответствующих изменений в Уголовно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан и Закон Республики Узбекистан «О прокуратуре».

3. На основе, существующих современных взглядов в юридической науке, и в соответствии с зарубежной практикой (Россия, Казахстан, Грузия, Кыргызстан и др.) обозначена необходимость рассмотрения направления деятельности органов прокуратуры «надзор за исполнением законов органами, осуществляющими оперативно-розыскную деятельность, доследственную проверку, дознание, предварительное следствие» и «координация их деятельности по борьбе с преступностью» в качестве отдельных в Законе Республики Узбекистан «О прокуратуре».

4. Учитывая транснациональный характер рассматриваемых преступлений и необходимость в этой связи включения в международный правоохранительный режим, а также в целях обеспечения нормативно-правовой основы осуществления различных форм международного сотрудничества и на основе передового зарубежного опыта (Швеция, Финляндия, Австралия, Грузия и др.) в работе предлагается урегулировать

порядок взаимодействия правоохранительных органов Республики Узбекистан с компетентными органами зарубежных стран в области борьбы с транснациональными финансовыми преступлениями отдельным законом.

5. В целях повышения эффективности деятельности правоохранительных органов в борьбе с транснациональными финансовыми преступлениями путем нормативного закрепления задач и функций каждого участника данного процесса и координации деятельности правоохранительных органов в данной области предлагается разработать проект Закона Республики Узбекистан «О межведомственном взаимодействии и координации деятельности правоохранительных органов в борьбе с транснациональными финансовыми преступлениями» с указанием предмета, принципов, целей и задач, направлений, форм взаимодействия и координации, разграничением функций, прав и обязанностей, закреплением правового статуса участников координационной деятельности, а также ответственности и др.

III. Выводы и рекомендации, направленные на совершенствование деятельности правоохранительных органов в борьбе с транснациональными финансовыми преступлениями:

1. Предлагается оптимизировать существующую практику организации деятельности межведомственных комиссий для повышения эффективности выполнения органами прокуратуры своей координационной функции в борьбе с транснациональными финансовыми преступлениями, установив в качестве единого координирующего органа Генеральную прокуратуру Республики Узбекистан. Данное предложение позволит повысить качество осуществления национальной оценки рисков в данной области путем сбора необходимой информации об угрозе и уязвимости национальной системы по борьбе с рассматриваемыми и предикатными к ним преступлениям.

2. В целях обеспечения оперативного обмена информацией с зарубежными партнерами предложено создать в структуре Международно-правового управления Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан специальный отдел по оперативному (неформальному) сотрудничеству.

3. По результатам анализа передовой практики международного сотрудничества правоохранительных органов зарубежных стран (Швеция, Финляндия, Израиль и др.) при осуществлении борьбы с транснациональными финансовыми преступлениями предлагается внедрить электронную систему обработки международных запросов на основе принципа приоритизации и управления делами (case management) в деятельность Международно-правового управления Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан

4. Обозначена необходимость методического обеспечения деятельности правоохранительных органов по осуществлению международного сотрудничества при расследовании транснациональных финансовых преступлений путем подготовки Руководства по порядку осуществления оперативного (неформального) международного сотрудничества.

5. С учетом передовой практики зарубежных стран (Россия, Израиль, Испания и др.) и качественной сортировки получаемых сообщений о подозрительных операциях для повышения эффективности реагирования правоохранительных органов на направляемые в инициативном порядке информации специально уполномоченного органа предлагается внедрить двухуровневую систему фильтрации сообщений в деятельность Департамента по борьбе с экономическими преступлениями при Генеральной прокуратуре Республики Узбекистан, предусматривающую направление в правоохранительные органы сообщений о подозрительной деятельности.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ АКАДЕМИЯСИ**

ХАМЗАЕВ ДИЛАВЕР ДИЛШОД ЎҒЛИ

**ТРАНСМИЛЛИЙ МОЛИЯВИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШДА
ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ФАОЛИЯТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.07 - Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини
ташқил этиш. Адвокатура

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.PhD/Yu262 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.proacademy.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ўрозалиев Мурод Қораевич
юримдик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Синдоров Комил Ойдинович
юримдик фанлар доктори, доцент

Файзиев Шохруд Фармонович
юримдик фанлар доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Академияси

Диссертация ҳимояси Бош прокуратура Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 8 февраль куни соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Маҳтумқули кўчаси, 59. Тел.: (99871) 202-04-96; факс: (99871) 233-35-81; e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Бош прокуратура Академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (10-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Маҳтумқули кўчаси, 59. Тел.: (+99871) 202-04-96;

Диссертация автореферати 2022 йил 25 январь куни тарқатилди.
(2022 йил 24 январьдаги 10-рақамли реестр баённомаси).

Б.Х. Пўлатов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юримдик фанлар доктори, профессор

Л.Х. Исоқов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент

Ф.Х. Рахимов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юримдик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда содир бўлаётган глобаллашув ва ахборот технологияларининг ривожланиши негизида рўй бераётган иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий соҳалардаги глобал интеграция жараёнлари натижасида жиноятчилик трансмиллий ва уюшган тусга эга бўлиб бормоқда. Бундай жиноятлар ягона мақсадни – моддий фойда олишни кўзлайди. БМТнинг маълумотига кўра, 2020 йилда жиноий фаолият натижасида олинб, легаллаштирилган даромадлар ҳажми дунё мамлакатлари ЯИМнинг 2,7%ни (ёки 1,6 триллион АҚШ долларини) ташкил этган¹. Бу эса, ўз навбатида, Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чоралар ишлаб чиқувчи гуруҳ (ФАТФ) Президенти д-р. Маркус Плейер таъкидлаганидек, “жиноий фаолият, шу жумладан, жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш оқибатида етказилаётган зарарни йўқ қилиш бутун дунё мамлакатларида устувор йўналиш сифатида қаралиши зарур”лигини англатади².

Жаҳонда трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш, ушбу йўналишда мавжуд бўлган халқаро стандартларнинг жорий этилишини таъминлаш мақсадида амалдаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, трансмиллий молиявий жиноятларнинг жиноий-ҳуқуқий хусусиятларини ўрганиш, шунингдек, трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашиш тизими ваколатли органларининг миллий ва халқаро даражада ўзаро ҳамкорлигини амалга ошириш соҳасидаги фаолиятини ташкил этиш бўйича мамлакатлардаги амалиётни мувофиқлаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти (кейинги ўринларда Департамент деб юритилади) томонидан ўтказилган миллий хавфларни баҳолаш натижасига кўра, жиноий даромадларни легаллаштиришга олиб келиш хавфига эга жиноятлар, жумладан, гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш, коррупция, фирибгарлик, ўғирлик ва бошқа иқтисодий жиноятлар сонининг ўсиши кузатилмоқда³. Мавжуд таҳдидларнинг аксарияти, шу жумладан, терроризмни молиялаштириш жинояти ҳам трансмиллий тусга эга эканлиги таъкидланган. Шу муносабат билан, бундай таҳдидларга қарши курашиш қонунчилик ва ҳуқуқий амалиётни такомиллаштиришга йўналтирилган тегишли чора-тадбирларни нафақат миллий даражада, балки Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М. Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеяси 76-сессиясида баён этган нутқларида таъкидлаганларидек, “Дунёда хавф-хатар ва зиддиятлар, трансмиллий

¹ <https://www.un.org/development/desa/en/news/financing/facti-interim-report.html>

² [https://www.fatf-gafi.org/publications/covid-19/covid-19.html?hf=10&b=0&s=desc\(fatf_releasedate\)](https://www.fatf-gafi.org/publications/covid-19/covid-19.html?hf=10&b=0&s=desc(fatf_releasedate))

³ <http://new-department.uz/ru/press/news/439/>

таҳдидлар тобора ортиб бораётгани халқаро ҳамкорликни янада кучайтиришни тақозо қилмоқда”⁴.

Мазкур диссертация иши Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги (2001), “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин куролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги (2004) қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин куролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги (2021) ПФ–6252-сонли ва “2021 – 2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги (2021) ПФ–6255-сонли фармонларини ва ушбу соҳани тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатларини амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” номли биринчи устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини такомиллаштириш масалаларининг ташкилий-ҳуқуқий асослари маълум даражада Д.Ш. Умархонова, Б.Х. Пўлатов, В. Каримов, Ф.Х. Рахимов, Ф.М. Файзиев, Ж.А. Неъматов, Й.Ш. Нарзиева, И.М. Мирзараимов, Ф.М. Фозилов, Х.А. Каримов, З.С. Ибрагимов ва бошқа олимларнинг тадқиқот ишларида ўрганилган.

МДХ мамлакатларида трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини ташкил этишнинг айрим жиҳатлари Г.А. Русанов, В.С. Ефимов, А.Н. Бродунов, Н.В. Бушуева, В.А. Зубков, Н.А. Пименов, М.Е. Садомова, В. Варсеев, И.Н. Соловьев, Ю.В. Трунцевский, А.В. Ивкова, Н.М. Абдиров, С. Гусев, С.К. Осипов, Е.А. Кондратиева, А.Р. Горюнов, К.В. Мелкумян ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.

Трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашиш муаммолари куйидаги хорижий олимлар томонидан ўрганиб чиқилган: Н. Пассас, Б. Райдер, Н. Окогбул, Б. Загарис, Дж. Джейонг, Дж. Ждановицк, С. Пикет, Дж. Пикет, М. Леви ва бошқалар⁵.

Маҳаллий ва хорижий муаллифларнинг илмий ишларида жиноятчиликка қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини ташкил

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 76-сессиясидаги нутқи – Электронный источник: <https://president.uz/ru/lists/view/4632>

⁵ Ушбу муаллифларнинг илмий ишлари фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

этишнинг муайян йўналишлари, шунингдек, трансмиллий молиявий жиноятларнинг жинойий-ҳуқуқий хусусиятлари кўриб чиқилганлигига қарамасдан, ҳозирда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашдаги фаолиятини ташкил этиш бўйича яхлит тадқиқотлар мавжуд эмас.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини такомиллаштириш” масалалари доирасида амалга оширилган (2019-2021).

Тадқиқотнинг мақсади трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ва таклифларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

трансмиллий молиявий жиноятлар ва бундай турдаги жиноятларга қарши кураш билан шуғулланувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар доирасини белгилаш;

Ўзбекистон Республикасида трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашиш тизимининг норматив ва институционал асосларининг шаклланиш жараёнини ёритиш;

трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашиш соҳасида мавжуд халқаро стандартларни тадқиқ этиш ва ушбу соҳадаги энг илғор хорижий амалиётларни таҳлил қилиш;

трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўрни ва ролини аниқлаш;

трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашда прокуратура органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва халқаро ҳамкорликни амалга ошириш юзасидан фаолиятини таҳлил қилиш ва ёритиш;

трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашда молиявий разведка бўлинмалари ўрнини белгилаш;

трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилаш;

трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг амалдаги фаолиятини ўрганиш орқали ушбу фаолиятни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсияларни шакллантириш.

Тадқиқот объекти трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини такомиллаштиришга оид ижтимоий муносабатлар тизими, шунингдек, бунга бағишланган назарий ишланмалар ҳисобланади.

Тадқиқот предмети трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган илмий-назарий ёндашувлар, қарашлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва айрим хорижий мамлакатларнинг ушбу йўналишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини ташкил этиш бўйича амалиётидан иборатдир.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқоти доирасида қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, диалектик, мантиқий, тизимли-тузилмавий, аниқ социологик, статистик маълумотлар ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлилий ўрганиш ҳамда ижтимоий сўров каби усуллардан кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари сифатида давлат органларининг идоралараро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, халқаро ва минтақавий ташкилотлар ҳамда хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, маълумотларни тўплаш ва қайта ишлашнинг замонавий усуллари амалиётга татбиқ этиш масалаларини қонунчиликда мустаҳкамлаш зарурати асосланди;

ФАТФ ва Базель бошқарув институти тавсиялари ҳамда бир қатор хорижий мамлакатларнинг (Австралия, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Россия) илғор тажрибаси асосида крипто-активлар айланмаси устидан ички назоратни ўрнатиш ва шубҳали операциялар ҳақида махсус ваколатли давлат органига хабар қилиш механизмини жорий қилиш зарурати асослантириб берилди;

параллел молиявий терговни амалга оширишда самарали идоралараро ҳамкорликни таъминлаш мақсадида молиявий тергов ўтказиш тартибини ҳамда трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўзаро ҳамкорлик масалаларини алоҳида идоравий ҳужжат билан ҳуқуқий тартибга солиш зарурлиги асосланди;

тадқиқ қилинаётган соҳадаги халқаро стандартлар талаблари, шунингдек, илғор хорижий амалиёт (АҚШ, Исроил, Буюк Британия, Россия ва бошқалар) асосида трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун ихтисослаштирилган илмий ва ўқув муассасалари доирасида махсус малака ошириш курсларини ташкил этиш зарурлиги асослантирилди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“трансмиллий молиявий жиноятлар” тушунчасининг моҳияти ва хусусиятлари очиқ берилиб, бундай турдаги жиноятларга қарши курашишда ваколати бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар доираси белгиланган;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга доир жиноят ишининг терговга тегишлилик масаласини тартибга солувчи қоидаларига ўзгартириш киритиш орқали трансмиллий молиявий жиноятларга қарши кураш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклиф асослантирилган;

Прокуратура органларининг “жиноятчиликка қарши курашиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш” соҳасидаги фаолият йўналишининг субъектлари, мақсадлари ва шакллари ёритиб берилиб, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида мазкур йўналишни алоҳида қилиб ажратилиши юзасидан таклиф ишлаб чиқилган;

трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашишда идоралараро ва халқаро ҳамкорликни ташкил этиш юзасидан қатор хорижий давлатларнинг (Австралия, Буюк Британия, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Финляндия, Швеция) қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили натижалари асосида “Трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашда идоралараро ҳамкорлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилган ҳамда трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг халқаро ҳамкорлиги масалаларини алоҳида қонуний тартибга солиш зарурлиги асослантилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Диссертация тадқиқотининг ҳар бир бобида берилган хулосалар, шунингдек, диссертация тадқиқотининг хулосасида акс эттирилган умумназарий ечимлар (қоидалар), норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини ва прокурор назоратини ташкил этиш бўйича илмий-назарий қарашларга, ҳуқуқий база нуқтаи назаридан эса халқаро ҳужжатлар, миллий қонунчилик нормалари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига асосланади. Тадқиқот натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда чоп этилиб, мамлакатимиз ва халқаро миқёсда ташкил этилаётган тадбирлар доирасида синовдан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унда келтирилган концептуал илмий хулосалар ва таклифлардан миллий илм-фан учун янги йўналиш бўлган трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини ташкил этиш соҳасидаги назарий билимларни бойитиш, қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда кейинги илмий тадқиқотлар ўтказишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти унда илгари сурилган илмий хулосалар, амалий тавсиялар ва таклифлардан трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини ташкил этиш бўйича тегишли илмий, ўқув, услубий ва амалий қўлланмалар, дарсликларни тайёрлаш ва ишлаб чиқишда, шунингдек, ихтисослаштирилган таълим муассасалари тингловчиларини жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича махсус курсларда ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

давлат органларининг идораларо ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, халқаро ҳамкорликни, шу жумладан, халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек, маълумотларни тўплаш ва қайта ишлашнинг замонавий усулларини амалиётга татбиқ этиш масалаларини трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари сифатида белгилаш тўғрисидаги таклифдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июндаги ПФ–6252 Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини ривожлантириш стратегияси (кейинги ўринларда Стратегия деб юритилади)нинг асосий вазифаларини белгилашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 октябрдаги 12-18-19-сонли далолатномаси). Ушбу таклифларнинг қабул қилинганлиги Стратегиянинг “Йўл харитаси”да акс этган трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг самарадорлигини оширишнинг устувор чора-тадбирларини аниқлашга хизмат қилди;

ФАТФ ва Базель бошқарув институти тавсиялари ҳамда айрим хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаси асосида крипто-активлар айланмаси устидан Департамент томонидан назорат ўрнатилишининг зарурлиги тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги 660-II-сонли Қонуни 12-моддасига тегишли ўзгартиришлар киритилишида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг 2021 йил 8 октябрдаги 06/1-11/1102-сонли далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилинганлиги махсус ваколатли давлат органидан мазкур йўналишда мавжуд шубҳали операциялар ҳақида маълумот олиш орқали крипто-активлардан фойдаланиб содир этилган трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилди;

параллел молиявий терговни амалга оширишда самарали идораларо ҳамкорликни таъминлаш мақсадида молиявий тергов ўтказиш тартибини ҳамда трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўзаро ҳамкорлик масалаларини алоҳида идоравий ҳужжат билан ҳуқуқий тартибга солиш тўғрисидаги таклифлардан прокуратура, ички ишлар органлари, Давлат хавфсизлик хизмати ва божхона органлари иштирокида қабул қилинган “Тезкор-қидирув, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов фаолиятини амалга ошириш

жараёнида жиноий фаолиятнинг молиявий жихатларини ўрганиш тартиби тўғрисида”ги Қўшма кўрсатмани ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари С.Б.Артикова томонидан имзоланган 2021 йил 15 ноябрдаги 30/16-21-98-сонли далолатнома). Ушбу таклифларнинг қабул қилинганлиги трансмиллий молиявий жиноятларни тергов қилишда ҳар бир ваколатли органнинг ролини аниқ белгилашга хизмат қилди;

тадқиқ қилинаётган соҳадаги халқаро стандартлар талаблари, шунингдек, илғор хорижий амалиёт (АҚШ, Исроил, Буюк Британия, Россия ва бошқалар) асосида трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун ихтисослаштирилган илмий ва ўқув муассасалари доирасида махсус малака ошириш курсларини ташкил этиш зарурлиги тўғрисидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июндаги ПФ–6252 Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини ривожлантириш стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”нинг 27–29-бандларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 октябрдаги 12-18-19-сонли далолатномаси). Мазкур таклифларнинг қабул қилиниши трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашишга масъул бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг мувофиқлаштирилишига ҳамда ушбу соҳада малакали мутахассисларни қайта тайёрлаш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини бир хиллаштиришга кўмаклашади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий натижалари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тўғрисидаги қонунларнинг бажарилишини назорат қилиш кафедрасида, шунингдек, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий ва амалий конференцияларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, шу жумладан, 6 та мақола илмий журналларда (4 та республика, 2 та хорижий), 8 та конференция тўпламларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Илмий-тадқиқот иши кириш, учта боб, саккиз хатбоши, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ҳажми 146 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишининг **кириш (диссертация аннотацияси)** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблик даражаси ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор

йўналишларига мослиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончилиги ҳамда уларнинг илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилинганлиги, апробацияси, натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг **“Трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашни ташкил этишнинг назарий-ҳуқуқий асослари”** деб номланган биринчи бобда трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашиш фаолиятини ташкил этиш юзасидан мавжуд бўлган назарий қарашлар, ушбу соҳада шаклланган халқаро стандартлар, миллий қонунчилик асослари ҳамда Ўзбекистон Республикасида ушбу жиноятчиликка қарши кураш тизимининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи кўриб чиқилган.

Диссертант томонидан юридик адабиётда трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашиш масаласи етарли даражада тадқиқ этилмагани, трансмиллий молиявий жиноятлар тушунчасини белгилашда умумий ёндашув мавжуд эмаслиги ҳамда ушбу жиноятларга қарши курашни амалга ошираётган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар доираси белгиланмаганлиги таъкидлаб ўтилган.

Трансмиллийлик молиявий жиноятларни тавсифловчи хусусият эканлигини инобатга олиб, трансмиллий молиявий жиноятларнинг тушунчалар аппарати молиявий жиноятлар тушунчасини таҳлил қилиш орқали ўрганиб чиқилган. Тадқиқот иши доирасида муаллиф томонидан миллий қонунчилик ва олимларнинг (Умарханова Д.Ш., Отажонова А., Исмаилова Б.И., Хужаева М., Раҳманов Ш.) илмий ишлари ретроспектив таҳлил қилиниши натижасида норматив актлар ва олимларнинг ишларида “молиявий жиноятлар” иборасидан фойдланилган, бироқ унга тушунча берилмаган.

Хорижий юридик адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, “молиявий жиноятлар” тушунчасини белгилашда иккита ёндашув мавжуд:

– “кенг ёндашув” (Спенсер Пикет, Дженифер Пикет, Майкл Леви, Барри Райдер) – моддий зарарга олиб келган ҳар қандай нозўровон табиатга эга бўлган қилмиш молиявий жиноятлар сифатида қаралади;

– “аниқ ёндашув” (Трунцевский Ю.В., Корчагин А.Г., Пименова Н.А., Варсеев В.В.) – молиявий жиноятлар таҳдид соладиган ижтимоий муносабатларни чеклаб, қонун томонидан ҳимоя қилиниши зарур бўлган объектларга эътибор қаратилади.

Муаллиф томонидан мавжуд амалиёт ва юридик фан вакилларининг ишлари таҳлил қилиниши натижасида, нозўровон табиатга эга бўлган, молиявий-иқтисодий муносабатларга тажовуз қилувчи ва бундай қилмишнинг камида бир қисми содир этилган бир нечта давлатларда жазо таҳдиди остида жиноят қонуни билан тақиқланган ижтимоий хавфли қилмиш трансмиллий молиявий жиноятлар сифатида белгиланган. Жиноий даромадларни

легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш (ЖДЛ/ТМ) ушбу жиноятлар сифатида қаралиши белгиланган.

Тадқиқ қилинаётган соҳада мавжуд илмий ишлар (Исмоилов И., Мирзараимов И.М, Неъматов Ж.А., Нарзиев Й.Ш., Саттиев И. Фазилов Ф.М., ва бошқалар) таҳлили шуни кўрсатдики, олимлар томонидан трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашишнинг моҳиятини ўрганишга етарлича эътибор қаратилмай, ушбу жиноятларга қарши курашнинг криминалистик хусусиятлари тадқиқ қилинган.

Диссертант томонидан трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашнинг моҳияти қуйидаги учта тизимнинг жамланмасини ташкил этиши айтиб ўтилган:

- 1) умумий қарши курашни ташкил этиш;
- 2) жиноятчиликнинг олдини олиш;
- 3) ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти.

Диссертацияда, қўйидаги тизимлар таҳлил қилиниши натижасида трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашишга масъул бўлган субъектларнинг доирасини белгилаш масаласи мунозарали эканлиги таъкидланган. Хусусан, олимларнинг қарашлари таҳлили натижасига кўра (Рустамбаев М.Х., Тухташева У.А., Попова Н.Ф., Чашин А.Н., Божьев В.П., Гаврилов Б.Я., Свечников Н.И. ва бошқалар), фанда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг доирасини белгилаш бўйича уч турдаги, яъни:

1) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар қаторига давлат ва нодавлат идораларини киритиш;

2) ҳуқуқий ёрдам кўрсатилишини таъминловчи идораларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар қаторига қўшиш;

3) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар доирасини фақат хавфсизликни таъминлаш бўйича махсус ваколатларга эга бўлган ҳамда дастлабки тергов ва прокуратура назоратини амалга оширувчи давлат органлари билан чеклаш борасидаги қарашлар шаклланганлиги муаллиф томонидан таъкидлаб ўтилган.

Ўз навбатида, муаллиф томонидан учинчи турдаги қарашлар қўллаб-қувватланиб, тадқиқот ишида фаолияти таҳлил қилиниши зарур бўлган органлар учта гуруҳга бўлинган:

1) трансмиллий молиявий жиноятларни тергов қилиш ваколатига эга (Ички ишлар, Давлат хавфсизлик хизмати ва прокуратура);

2) ушбу органларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва назорат қилувчи (прокуратура); ҳамда

3) бундай жиноятларга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва хусусий сектор ўртасида маълумотлар алмашилишига кўмаклашувчи махсус ваколатли органларни (Департамент) ўз ичига олган.

Диссертант ўз тадқиқот ишида трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашдаги халқаро стандартларни таҳлил қилиб, жиноий ЖДЛ/ТМнинг олдини олиш тизимини шакллантириш XX асрнинг охиридан бошлаб, жаҳон ҳамжамияти жиноятчиларни асосий даромад манбаларидан маҳрум қилиш

ва “қонуний” иқтисодий ноқонуний маблағлар оқимидан ҳимоя қилишга қаратилган махсус халқаро стандартларни яратиш орқали амалга оширилганлигини таъкидлаган.

Муаллиф томонидан замонавий юридик фанда халқаро стандартларни тушуниш ва таснифлашда турли хил ёндашувлар мавжуд бўлиб, ҳар қандай тавсия этилган тасниф шартли эканлиги таъкидлаб ўтилган. Бироқ, тадқиқот доирасида таҳлил қилинган қарашларда (Русанов Г.А., Ромашев Ю.С., Спасивов Н.В. ва бошқалар) “халқаро стандартлар нима?” деган саволга жавоб беришда уларнинг мазмунига эмас, балки ташқи шаклига, яъни халқаро стандартлар келтирилган манбаларга эътибор қаратилганлиги белгиланган.

Диссертант миллий қонунчилик интилиши керак бўлган муайян “идеал”ни халқаро стандартлар сифатида қаралиши зарур деган ёндашувга қўшилиб тадқиқ қилинаётган соҳада мавжуд халқаро стандартларни қўйидаги учта гуруҳга бирлаштирган:

- а) норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга қаратилган стандартлар;
- б) трансмиллий молиявий жиноятларга қарши кураш институтларини такомиллаштиришга қаратилган стандартлар;
- в) мавжуд механизмларни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган стандартлар.

Диссертация иши доирасида миллий олимларнинг илмий ишларини таҳлил қилиш натижасида (Неъматов Ж.А., Мирзараимов И.М., Нарзиев Й.Ш. ва Фазилов Ф.М.) трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашишнинг айрим жиҳатлари ўрганилганлиги, аммо бу соҳада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш асослари генезиси ўрганилмаганлиги ва ушбу соҳада қабул қилинган сўнгги стратегик ҳужжатлар таҳлил қилинмаганлиги аниқланди. Муаллиф юридик адабиётларни ўрганиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасида трансмиллий молиявий жиноятларга қарши кураш соҳасидаги Қонунчилик базасининг шаклланиш тарихи шартли равишда уч даврни босиб ўтган деган хулосага келган.

Тадқиқотда, мустақиллик эълон қилинганидан сўнг прокуратура, ички ишлар органлари, давлат божхона қўмитаси ва давлат хавфсизлик хизмати қайта ташкил этилиб, уларнинг мақоми, мақсад ва вазифалари, шунингдек, фаолиятининг йўналишлари қонунчилик доирасида белгиланганлиги таъкидланган. Прокуратура ва ички ишлар органларининг Марказий идоралари таркибида махсус бўлинмаларнинг шаклланиши мамлакатимизда трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашда алоҳида эътибор қаратилганидан далолат бериши белгиланган. Бироқ, айрим ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари (ички ишлар органлари ва давлат хавфсизлик хизмати) фаолиятини алоҳида қонунлар билан эмас, балки Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари доирасида тартибга солиш тенденцияси муаллиф томонидан қонунчиликдаги бўшлиқлар сифатида қаралган.

Муаллиф, Ўзбекистон Республикасида ушбу соҳадаги ҳуқуқий базани шакллантиришда ЖДЛ/ТМнинг криминализация қилиниши ва “Жиноий

фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этганини таъкидлаган. Шунингдек, биринчи давр мобайнида ушбу соҳада мавжуд бўлган бир қатор халқаро стандартларнинг қабул қилиниши, мамлакатнинг халқаро ҳуқуқни муҳофаза қилиш режимига қўшилишига уруниш сифатида баҳоланган. Ўз навбатида, ушбу даврда ЖДЛ/ТМнинг олдини олиш тизими учун соҳавий ҳуқуқий базани шакллантириш масаласи очик қолган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, бу муаммо иккинчи даврда, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар учун мажбурий ички назорат қоидалари қабул қилиниши натижасида ҳал қилинган. Ушбу давр мобайнида ЖДЛ/ТМнинг олдини олиш тизимининг ваколатли иштирокчиларига мезонларга мувофиқ шубҳали операцияларни тўхтатиш ва музлатиш ваколати берилган, ички ишлар органлари ва давлат хавфсизлик хизмати фаолиятини тартибга солувчи алоҳида қонунлар қабул қилинган. Бирок, муаллиф томонидан, миллий ва халқаро даражадаги ўзаро ҳамкорлик механизмлари, интеграциялашган маълумотлар базалари мавжуд эмаслиги улар фаолиятининг самарадорлигини таъминлашга тўсқинлик қилганлиги таъкидланган.

Миллий қонунчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар амалиётининг таҳлили шуни кўрсатдики, миллий ЖДЛ/ТМнинг олдини олиш тизимининг шаклланиш тарихи ривожланишининг сўнгги даври қуйидагилар билан тавсифланади: *биринчидан*, махсус ваколатли давлат органи – Бош прокуратура хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаменти ташкил этилган; *иккинчидан*, ЖДЛ/ТМнинг олдини олиш тизими иштирокчиларининг миллий ўзаро ҳамкорлик масалалари махсус комиссия доирасида алоҳида ҳал қилинган; *учинчидан*, халқаро ҳамкорлик масалалари тартибга солинган; *тўртинчидан*, трансмиллий молиявий жиноятларга қарши кураш соҳасидаги стратегик ҳужжатлар қабул қилинган. Шу билан бирга, муаллиф ушбу даврда идоралараро ва халқаро ҳамкорлик каби муҳим масалаларнинг Вазирлар Маҳкамаси қарорлари даражасида тартибга солиш тенденциясининг такрорланиши ва ушбу соҳада идоралараро ҳамкорлик масалаларининг тартибга солинишида тизимлиликнинг йўқлиги қайд этилган.

Биобарин, илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш натижасида (Австралия, Қозоғистон, Россия, Финляндия, Швеция ва бошқалар), халқаро ва идоралараро ҳамкорлик масалаларини муаллиф томонидан алоҳида қонунлар доирасида тартибга солиниши таклиф этилган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг Ўзбекистон Республикаси трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашиш миллий тизимидаги ўрни”** деб номланган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашни амалга оширишни ташкилий-ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган.

Диссертация ишида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг трансмиллий молиявий жиноятларга қарши кураш соҳасидаги фаолияти ЖДЛ/ТМ жиноятлари бўйича жиноий таъқиб олиб бориш жараёнида параллел молиявий терговни амалга ошириш билан таъминланиши керак деган хулосага келинган.

Тадқиқот доирасида миллий қонунчиликда “асосий тергов”га параллел равишда самарали молиявий терговни амалга ошириш учун зарур қоидалар мавжуд деб таъкидланган. Бироқ, тадқиқ қилинаётган жиноятларга қарши курашни ташкил этиш масаласини тартибга солувчи мавжуд процессуал қонунчилик шаклланган амалиётга тўғри келмаслиги белгиланган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар амалиёти шуни кўрсатдики, ЖДЛ бўйича жиноят ишларининг тахминан 90 %и прокуратура (шу жумладан, Департамент) томонидан қўзғатилиб, терговчилар ва Департамент ходимларидан ташкил топган гуруҳи томонидан тергов қилинган. 2016–2020 йилларда трансмиллий молиявий жиноятларга предикат ҳисобланган асосий жиноятларни тергов қилиш учун тузилган тергов гуруҳларида иштирок этаётган ходимларнинг аксариятини прокуратура ва Департамент ходимлари ташкил этган. Шу муносабат билан, илғор хорижий тажриба (Буюк Британия, АҚШ, Россия, Қозоғистон) асосида Жиноят кодексининг 243-моддасида (жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш) назарда тутилган жиноятни муқобил терговга тегишли жиноят сифатида белгилаш тўғрисида хулоса илгари сурилган.

Диссертант томонидан, трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар икки хил шаклда:

а) тегишли гуруҳларни тузиш орқали;

б) алоҳида комиссиялар ташкил этиш орқали ўзаро ҳамкорликни амалга ошириши белгиланган.

Юридик фан вакилларининг илмий ишлари таҳлил қилиниши натижасида (Баев М.О., Бастрыгин А.С., Бажанов С.В., Тарасов М.Ю., Цоколов И.А.) жиноий таъқиб давомида ташкил этиладиган турли гуруҳлар ўртасидаги фарқларни ўрнатишда Ўзбекистон қонунчилигида маълум бўшлиқлар мавжудлиги аниқланган. Жумладан, миллий қонунчилик таҳлили шуни кўрсатадики, қонун чиқарувчи “терговчилар гуруҳи”, “тергов гуруҳи”, “тергов-тезкор гуруҳи” атамаларидан фойдаланиб, уларни мақсад ва таркиб жиҳатидан фарқламайди. Муаллиф томонидан бундай тушунмовчиликлар процессуал ҳужжатларни расмийлаштириш ва амалиётни умумийлаштиришда қийинликлар олиб келиши мумкинлиги таъкидланган. Шунга асосан, ушбу тушунчалардан қонунчиликда фойдаланиш амалиётини унификация қилиш зарурлиги белгиланган.

Диссертация ишида айна вақтда юридик фанда мавжуд қарашлар таҳлил қилиниши натижасида (Пулатов Б.Х., Мадалиев О.М., Рахимов Ф.Х., Абдиров Н.М., Божъев В.П., Гаврилов Б.Я. ва бошқалар) “тезкор-қидирув фаолиятни, терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан

назорат қилиш” ва “уларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш” фаолият йўналиши ўзининг турли субъекти, мақсади ва шаклига эга эканлиги таъкидланган. Бироқ, “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида “мувофиқлаштириш” ва “назорат” битта йўналиш сифатида кўрсатиб ўтилган. Шу муносабат билан, “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ушбу йўналишлар алоҳида йўналиш сифатида белгиланиши диссертант томонидан таклиф қилинган.

Миллий қонунчилик таҳлили шуни кўрсатдики, трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашда прокуратура органларининг мувофиқлаштириш фаолияти шакллари билан бири алоҳида комиссиялар тузишдир.

Тадқиқотлар натижасига кўра, ваколатли органларнинг трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашдаги фаолиятини алоҳида комиссиялар доирасида мувофиқлаштириш амалиёти 2017 йилдан буён фаол қўлланиб келинган. Фаолияти тадқиқ қилинаётган мавзуга тааллуқли бўлган олти идоралараро комиссиянинг таҳлили шуни кўрсатдики, уларнинг фаолиятига 64 та муассаса жалб этилган. Ҳар бир комиссия фаолиятида иштирок этадиган асосий субъектлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ва Адлия вазирлиги эканлиги диссертация тадқиқоти доирасида аниқланган. Бироқ, “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-моддасида прокуратура органлари жиноятчиликка қарши курашнинг самарадорлигини таъминлаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириши белгилаб қўйилганлигига қарамадан, кўриб чиқилган барча идоралараро комиссияларда ҳам мувофиқлаштирувчи органнинг алоҳида вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари тартибга солинмаган. Бундан ташқари, айрим комиссияларнинг мақсад ва вазифалари алоҳида қоидалар билан тартибга солинмаган. Ушбу соҳадаги ҳуқуқий доктринанинг (Абдиров Н.М., Зинуров Р.Н., Якубов С.В. ва бошқалар) таҳлили шуни кўрсатдики, прокуратура органларининг мувофиқлаштириш фаолиятини қонуний тартибга солишнинг учта усули мавжуд:

1) прокуратура фаолиятининг ушбу йўналишини соҳадаги барча давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича умумий қонун билан тартибга солиш;

2) прокуратура органларининг мувофиқлаштириш фаолиятини тартибга солувчи алоҳида қонун ишлаб чиқиш;

3) “Прокуратура тўғрисида”ги амалдаги қонунга тегишли ўзгартиришлар киритиш орқали прокуратура органларининг мувофиқлаштириш фаолияти бўйича махсус бобни назарда тутиш.

Хорижий тажриба асосида (Қозоғистон, Россия ва бошқалар) ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришда тартибга солиниши лозим бўлган ҳуқуқий муносабатларнинг катта ҳажмини инобатга олган ҳолда, муаллиф томонидан “Трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг идоралараро ўзаро ҳамкорлиги ва фаолиятнинг мувофиқлаштирилиши тўғрисида” алоҳида

қонуннинг қабул қилиниши ҳамда унда мувофиқлаштиришнинг шакллари, мақсадлари ва барча иштирокчиларнинг, шу жумладан, прокуратуранинг ушбу соҳадаги ваколатларини белгилаш орқали прокуратура органлари фаолиятининг ушбу йўналишини янада ривожлантириш зарурлиги таъкидланган.

Диссертацияда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти фаолияти ҳам таҳлил қилинган. Миллий қонунчиликни таҳлил қилиш натижасида Департамент учта асосий функцияни бажариши аниқланган:

- 1) мустақил ихтисослаштирилган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган;
- 2) молиявий разведка бўлинмаси (МРБ);
- 3) “Эгмонт” МРБ гуруҳи фаолияти доирасида мамлакат манфаатларини тақдим қилиш ва мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш бўйича масъул орган.

Ижобий хорижий тажрибани ўрганиш натижасида (Буюк Британия, Россия, Швеция, Финляндия, АҚШ, Исроил ва бошқалар) трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашда Департаментнинг асосий вазифаси хусусий сектор ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида миллий ва халқаро даражада ахборот алмашинувини таъминлаш, яъни МРБ эканлигини исботланган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан Департамент материалларидан фойдаланишнинг самарадорлиги баҳоланганида, Департамент ташаббуси юборилган тегишли материалларнинг ўртача 30-40% ва сўров асосида тақдим этилган материалларнинг 70% дан ортиғи жиноят иши қўзғатиш билан яқунланган. Бироқ, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлардан олинadиган хабарлар сони ортиши билан ташаббускор материалларнинг фойдаланганлик даражаси камайиши тенденцияси кузатилиши тадқиқот доирасида таъкидланган. Фаолиятни таҳлил қилиш асосида муаллиф томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилadиган материалларнинг сифатини яхшилаш зарурлиги таъкидланган. Шу муносабат билан, тадқиқот доирасида илғор тажрибадан келиб чиқиб (Израил, Испания, Россия) юборилadиган материаллардан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш мақсадида Департамент фаолиятига шубҳали операциялар тўғрисидаги хабарлар юбориш тизими билан бир қаторда шубҳали фаолият тўғрисида хабарларини юбориш тизимини жорий этиш таклиф қилинган.

Учинчи боб **“Трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш”** деб номланиб, унда ушбу йўналишда мавжуд муаммолар таҳлил қилиниб, хорижий тажрибани ўрганиш орқали уларни бартараф қилиш йўллари таклиф этилган. Шу билан бирга, трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашда халқаро ташкилотларнинг ўрни таҳлил қилиниб, миллий ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг улар билан ҳамкорликни амалга оширишлари юзасидан мулоҳазалар баён қилинган.

Мазкур бобда, Базель бошқарув институти, 2019-2020 йиллардаги ФАТФ директори Сян Минь Лю ҳамда Европарламентнинг фикрларидан келиб чиқиб,

мавжуд муаммолар мамлакатларнинг трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашиш тизими мониторингини таҳлил қилиш орқали аниқланган.

ФАТФнинг тўртинчи тур баҳолаш доирасида 102 та мамлакатнинг баҳолаш натижалари таҳлили шуни кўрсатадики, кўпгина мамлакатларда ЖДЛ/ТМга қарши кураш соҳасида кучли ҳуқуқий база мавжуд. Бироқ ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарали ташкил этилмаган. Олимларнинг фикрини таҳлил қилиш натижасида (Уэсли Г. Скоган, Питер Эйхорн, Ян Тауэрс, Лебедев М.П., Пашков А.С., Чечот Д.М., Шаргородский М.Б., Арнаутова А.А. ва бошқалар) диссертант томонидан тадқиқот доирасида кўриб чиқиладиган фаолият самарадорлигини ошириш бевосита уларнинг ҳуқуқий амалиётни мониторинг қилиш ва унинг натижасида мавжуд илғор тажрибани жорий қилиш орқали амалга оширилади деган хулосага келган.

Диссертация тадқиқоти доирасида ФАТФнинг баҳолаш методологиясида келтирилган, қуйидаги йўналишларни баҳолашга қаратилган 1, 2, 6 ва 7 кўрсаткичлари бўйича мавжуд илғор тажриба таҳлил қилинган:

– ЖДЛ/ТМ хатарлари тушунчасини шакллантириш ва трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини миллий даражада мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини таъминлаш;

– ушбу соҳадаги халқаро ҳамкорлик масалалари;

– ваколатли органлар томонидан тезкор молиявий разведка маълумотлари ва бошқа тегишли маълумотлардан фойдаланиш амалиёти;

– ЖДЛ/ФТ билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш амалиёти.

Ижобий хорижий тажрибани (Бермуд Ороллари, Буюк Британия, Россия) таҳлил натижасига кўра, ваколатли органлар ўртасида самарали ҳамкорлик қилиш, шунингдек, трансмиллий молиявий жиноятларга қарши кураш стратегиясини белгилаш ва ривожлантириш мақсадида:

а) сиёсий (ЖДЛ/ТМга қарши курашиш тизимининг барча иштирокчилари томонидан хавфларни тушуниш, стратегияни амалга ошириш ва ҳ.к.);

б) ишчи (ЖДЛ/ТМга қарши курашиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасидаги ҳамкорлик) даражаларда фаолиятни мувофиқлаштирувчи учун махсус органлар яратилиши аниқланган.

Бундан ташқари, хорижий давлатларнинг (Буюк Британия, Испания, Исроил, Россия) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари махсус хавфсиз алоқа каналлари орқали тезкор молиявий маълумотлар ва бошқа маълумотларни фаол алмашадилар, шунингдек, расмий маълумотлар базаларидан ва очик манбалардан кенг фойдаланадилар. Бундай маълумотлар:

а) тезкор маълумотлар ва далил сифатида, жиний даромадларни аниқлаш, кузатиш, шунингдек, ЖДЛ/ТМ ва тегишли предикат жиноятлари тергов қилиш ва жиний таъқибни қўллаб-қувватлаш (тактик таҳлил);

б) ЖДЛ/ТМга қарши курашиш тизими субъектларининг фаолиятини такомиллаштириш бўйича стратегик тавсиялар ишлаб чиқиш, ЖДЛ/ТМнинг янги моделлари, хатарлари, типологиялари ва тенденцияларини аниқлаш (стратегик таҳлил) учун ишлатилади.

Мавжуд молиявий разведка маълумотлари доирасидаги таҳлилий ишлар миллий хавфларни баҳолаш давомида белгиланган хавф-хатарлар асосида амалга оширилиши ўрнатилган.

Хорижий давлатлар комиссиялари фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, уларга фаолиятни сиёсий ва ишчи даражада амалга оширишга имкон берувчи тезкор ваколатлар берилган (мулкни музлатиш бўйича қарорлар қабул қилиш, сўровлар юбориш, зарур материалларни олиш, шу жумладан, хорижий давлатларнинг ваколатли органларидан ва бошқалар). Бироқ Ўзбекистондаги комиссиялар фақатгина сиёсий даражада идоралараро ҳамкорликка хос ваколатларга эга. Бундан ташқари, Ўзбекистон ЖДЛ/ТМнинг олдини олиш тизимининг Миллий хавф-хатарини баҳолашда кўрсатилган таҳдидлар трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашиши амалиётини ташкил этишда тўлиқ ўз аксини топмаган. Бу эса ушбу соҳада идоралараро ҳамкорликни такомиллаштириш заруратидан далолат бериши муаллиф томонидан таъкидланган. Натижада, тадқиқотчи “Трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг идоралараро ўзаро ҳамкорлиги ва фаолиятнинг мувофиқлаштирилиши тўғрисида”ги қонун доирасида комиссиялар фаолиятини оптималлаштиришни таклиф қилган.

ЖДЛ/ТМга қарши курашиш тизимидаги барча фаолияти махсус ўқитилган ходимлар томонидан амалга оширилиб, уларнинг фаолияти тегишли йўриқномалар ва ўқув материаллари билан қўллаб-қувватланади.

Трансмиллий жиноятларга қарши курашиш халқаро ҳуқуқни муҳофаза қилиш режимига қўшилишни тақозо этиши сабабли (Ромашев Ю.С., Загарис Б.) халқаро ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш зарурати тадқиқот ишида белгиланган.

Таҳлил натижасида хорижий давлатлар (Австралия, Корея, Финляндия, Швеция) ваколатли органлари, кирувчи ва чиқувчи сўровларни қайта ишлаш учун замонавий ишларни бошқариш тизимларидан фойдаланган ҳолда, хорижий ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган вакиллари ва ЖДЛ/ТМга қарши курашиш тизимида иштирок этадиган бошқа идоралар билан икки шаклда ҳамкорликни амалга ошириши аниқланган:

- а) расмий (ўзаро ҳуқуқий ёрдам институти);
- б) норасмий (бевосита ҳамкорлик).

Диссертация доирасида халқаро ташкилотлар халқаро ҳуқуқни муҳофаза қилиш режимини шакллантиришга нафақат трансмиллий молиявий жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги стандартларни ишлаб чиқиш, балки ушбу соҳада давлатлар ўртасида ҳамкорликни ўрнатиш ва мустаҳкамлашга кўмаклашиш, шунингдек, давлатларнинг ушбу режимга қўшилишини рағбатлантириш орқали ёрдам бериши аниқланган.

Юридик фан вакилларининг фикрларини (Моравецкий В., Москеллой М., Неъматов Ж.А., Ромашев Ю.С.) таҳлил қилиш асосида трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашда халқаро ташкилотларнинг роли ҳақида тўлиқ

тушунча ҳосил қилиш учун халқаро ташкилотлар қуйидаги гуруҳларга бўлиниб таҳлил қилинган:

1) халқаро ташкилотлар трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашиш соҳасидаги халқаро муносабатлар иштирокчиларининг хулқ-атворини шакллантириш учун мўлжалланган ахлоқий, сиёсий ёки ҳуқуқий меъёрлар ва стандартларни белгилайдиган тартибга солиш функциясини бажарадиган ташкилотлар (БМТ, ФАТФ, Европа Иттифоқи, Европа Кенгаши, МДХ, АДБ ва бошқалар);

2) халқаро муносабатлар иштирокчиларининг соҳадаги мавжуд амалиётини стандартлар билан таққословчи назорат функциясини бажарувчи ташкилотлар (ФАТФ туридаги минтақавий гуруҳлар, халқаро молиявий марказлари назорат органлари гуруҳи ва ИХРТ ва бошқалар);

3) ўз ресурслари асосида трансмиллий молиявий жиноятларга қарши кураш соҳасида турли хизматларни кўрсатувчи кўмаклашиш функциясини бажарувчи ташкилотлар (Интерпол, Европол, Евроюст, “Эгмонт” гуруҳи, МДХ доирасида бир қатор ташкилотлар, шунингдек, АРИН тармоқлари ва бошқалар).

Ўз навбатида, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан баъзи бир халқаро ташкилотлар имкониятидан фойдаланиш даражаси юқорилигига қарамасдан, ушбу соҳада махсус фаолият олиб бораётган Ғарбий ва Марказий Осиё давлатларининг активларни қайтариш бўйича идоралараро тармоғининг (ARIN-WCA) фаолиятидан кенг фойдаланилмаётгани аниқланган.

Чунончи, миллий ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ARIN-WCA тармоғидан фойдаланиш учун қонуний тўсиқлар йўқлиги ўрнатилган бўлсада:

а) халқаро ҳамкорлик амалиётига бюрократик қарашларнинг мавжудлиги;

б) тармоқ ҳақида етарли маълумотга эга эмасликлари;

в) норасмий тармоқлар имкониятларидан фойдаланган ҳолда халқаро ҳамкорлик масалаларини тартибга солувчи идоравий ҳужжатларнинг йўқлиги миллий ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакилларининг тармоқдан фойдаланишига тўсқинлик қилиши аниқланган.

Шу муносабат билан, тадқиқот доирасида илғор хорижий амалиёти (Австралия, Корея, Финляндия, Швеция) таҳлил қилиниши асосида муаллиф:

– ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бевосита (норасмий) халқаро ҳамкорлиги масаласини қонуний тартибга солиш;

– Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Халқаро-ҳуқуқ бошқармаси қошида махсус бевосита (норасмий) халқаро ҳамкорлик бўйича алоҳида бўлим ташкил этиш;

– кирувчи ва чиқувчи халқаро сўровларни кўриб чиқиш учун электрон ишларни бошқариш тизимини интеграциялаш таклифини илгари сурган.

ХУЛОСА

Трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини такомиллаштиришга бағишланган тадқиқот натижасида тегишли илмий-назарий хулосалар, қонун нормаларини такомиллаштириш, уларни қўллаш амалиёти самарадорлигини оширишга доир қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

I. Илмий-назарий хулосалар:

1. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг белгилари, алоҳида функциялари ва вазифаларини илмий-назарий таҳлил қилиш натижасида давлат мажбурият чораларини ташаббускорона (проактив) қўллаш ҳуқуқини муҳофаза қилувчи органларининг яна бир белгиси сифатида ўрнатиш таклиф этилиб, трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашишга ваколатли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар доираси белгиланган.

2. Тадқиқот доирасида трансмиллий молиявий жиноятлар моҳияти ёритилиб, бундай жиноят сифатида нозўровон табиатга эга бўлган, молиявий-иқтисодий муносабатларга таъжовуз қилувчи ва бундай қилмишнинг камида бир қисми содир этилган бир нечта давлатларда жазо таҳдиди остида жиноят қонуни билан тақиқланган ижтимоий хавфли қилмиш тушунилиши белгиланиб, жинойат даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш трансмиллий молиявий жиноятлар сифатида қаралиши таклиф этилган.

3. Трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашишни ташкил этиш самарадорлигига таъсир этувчи омиллар асосида стандартларни шартли равишда:

а) норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга қаратилган стандартлар;

б) трансмиллий молиявий жиноятларга қарши кураш институтларини такомиллаштиришга қаратилган стандартлар;

в) мавжуд механизмларни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган стандартлар каби учта гуруҳга бирлаштириш орқали халқаро стандартларнинг соҳадаги янги таснифи таклиф этилган.

4. Трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ўртасида халқаро ҳамкорликнинг самарасини ошириш ва доимий мулоқот ўрнатилишини таъминлаш мақсадида тадқиқот мавзусига оид масалаларда фаолият олиб борувчи халқаро ташкилотлар:

а) тартибга солиш; б) назорат қилиш; ва в) кўмаклашиш функцияларини бажарувчи ташкилотларга ажратилиб таҳлил қилиниши таклиф этилган.

5. ЖДЛ/ТМга қарши кураш тизимининг самарадорлиги мазкур тизим субъектларида аниқ стратегик режаларни ишлаб чиқиш орқали соҳада мавжуд хатарлар тушунчасини шакллантириш, трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини миллий даражада мувофиқлаштириш, миллий ва халқаро даражада маълумотлар

алмашинувини ҳамда ЖДЛ/ТМ жиноят ишлари бўйича ваколатли органларнинг тезкор молиявий разведка маълумотлар ва бошқа тегишли маълумотлардан фойдаланишини таъминловчи тизим, зарур ҳуқуқий ва институционал базани яратиш, шунингдек, долзарб амалий ва назарий билимларни татбиқ қилиш мақсадида ўқишни ташкил этиш билан бевосита боғлиқлиги асосланган.

6. Ваколатли органлар ўртасида самарали ҳамкорликни таъминлаш, шунингдек, трансмиллий молиявий жиноятларга қарши кураш сиёсатини белгилаш ва стратегиясини ривожлантириш мақсадида сиёсий (ЖДЛ/ТМга қарши курашиш тизимининг барча иштирокчилари томонидан хавфларни тушуниш, стратегияни амалга ошириш ва ҳ.к.) ва ишчи (ЖДЛ/ТМга қарши курашиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасидаги ҳамкорлик) даражаларда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш зарурлиги ўрнатилган.

7. Ваколатли органлар, кирувчи ва чиқувчи сўровларни қайта ишлаш учун замонавий ишларни бошқариш тизимларидан фойдаланган ҳолда, хорижий ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган вакиллари ва ЖДЛ/ТМга қарши курашиш тизимида иштирок этадиган бошқа идоралар билан расмий ва норасмий (бевосита) халқаро ҳамкорликни амалга ошириши тенденцияси мавжудлиги аниқланган.

II. Трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга йўналтирилган хулоса ва тавсиялар:

1. Барча ваколатли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш жараёнига жалб этилишини, шунингдек, ушбу соҳадаги фаолиятни амалга оширишдаги мавжуд процессуал тўсиқларни олиб ташлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 345-моддасида Жиноят кодексининг 243-моддасини муқобил турдаги терговга тегишлиликка эга жиноят сифатида кўрсатиш таклиф этилган.

2. “Тергов гуруҳи”, “терговчилар гуруҳи” тушунчалари таркиби бўйича “тезкор-тергов гуруҳи” тушунчасидан фарқланиши асослантирилиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси ва “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунга тегишли ўзгартиришлар киритиш орқали жиноий таъқиб доирасида ваколатли органлар гуруҳлари фаолиятини ташкил этишда ягона амалиётни шакллантириш таклиф этилган.

3. Юридик фандаги мавжуд замонавий қарашлар асосида ва хорижий амалиётга мувофиқ (Россия, Қозоғистон, Грузия, Қирғизистон ва бошқалар) Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида “тезкор-қидирув фаолиятни, терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш” ва “уларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш” фаолият йўналиши ўзининг субъекти, мақсади ва шаклига эга эканлиги сабабли ушбу йўналишлар қонунчиликда алоҳида йўналиш сифатида белгиланиши асослантирилган.

4. Тадқиқот доирасида кўриб чиқиладиган жиноятларнинг трансмиллийлигини ва бундай жиноятларга қарши курашиш халқаро ҳуқуқни муҳофаза қилиш режимига кириш заруратини туғдиришини ҳисобга олган ҳолда ҳамда халқаро ҳамкорликнинг турли шакллари амалга ошириш учун ҳуқуқий асосни шакллантириш ва илғор хорижий тажриба асосида, (Швеция, Финляндия, Австралия, Грузия ва бошқалар) трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан ўзаро ҳамкорлик масалаларини алоҳида қонун билан тартибга солиш таклиф этилади.

5. Трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида ушбу соҳада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш жараёнининг мақсад, вазифалари, тамойиллари, шакллари, ҳуқуқ, мажбуриятлари ва бошқа масалалар тартибга солинган “Трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг идоралараро ўзаро ҳамкорлиги ва фаолиятини мувофиқлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш таклиф этилган.

III. Трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган хулоса ва тавсиялар:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасини ягона мувофиқлаштирувчи орган сифатида белгилаш орқали идоралараро комиссиялар фаолиятини ташкил этишнинг мавжуд амалиётини оптималлаштириш зарурлиги таклиф этилган. Ушбу таклиф прокуратура органларининг трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашдаги мувофиқлаштириш функцияси самарадорлигини ошириш ва ушбу жиноятларга қарши кураш миллий тизимида мавжуд таҳдид ва заифликлар тўғрисида зарур маълумотларни тўплаш орқали миллий хавфларни баҳолаш жараёни сифатини оширишга хизмат қилади.

2. Хорижий ҳамкорлар билан тезкор ахборот алмашинувини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Халқаро-ҳуқуқий бошқармаси таркибида тезкор (норасмий) ҳамкорлик бўйича махсус бўлим ташкил этиш таклиф этилмоқда.

3. Хорижий давлатларнинг (Швеция, Финляндия, Исроил ва бошқалар) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари халқаро ҳамкорлигининг илғор амалиётларини таҳлил қилиш натижалари асосида трансмиллий молиявий жиноятларга қарши курашда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Халқаро-ҳуқуқий бошқармаси фаолиятига устуворлик тамойили асосида фаолият юритадиган халқаро сўровларни тақсимланиши

ва тизимлаштирилишини таъминлайдиган ишларни бошқариш электрон тизимини жорий этиш таклиф этилган.

4. Трансмиллий молиявий жиноятларни тергов қилишда бевосита (норасмий) халқаро ҳамкорликни амалга ошириш тартиби бўйича кўрсатмалар тайёрлаш орқали ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг халқаро ҳамкорликни амалга оширишдаги фаолиятини услубий таъминлашнинг зарурлиги белгиланган.

5. Хорижий мамлакатларнинг (Россия, Исроил ва Испания) илғор амалиёти асосида махсус давлат органи ташаббуси билан юборилаётган материаллардан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фойдаланишининг самарадорлигини ошириш мақсадида Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти фаолиятидаги мавжуд бўлган шубҳали операциялар тўғрисидаги хабарлар юбориш тизимидан, ушбу хабарларни тизимлаштириш ва тартибга солиш натижасида шакллантириладиган шубҳали фаолият тўғрисида хабарларни юбориш тизимига ўтиш таклиф қилинган.

**SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING OF THE SCIENTIFIC DEGREES
DSc. 31/31.12.2020. Yu.67.01 AT THE ACADEMY OF THE GENERAL
PROSECUTOR'S OFFICE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

**THE ACADEMY OF THE GENERAL PROSECUTOR'S
OFFICE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

KHAMZAEV DILAVER DILSHOD UGLI

**IMPROVING THE ACTIVITIES OF LAW ENFORCEMENT AGENCIES
IN THE FIGHT AGAINST TRANSNATIONAL FINANCIAL CRIMES**

12.00.07 - Judicial authority. Prosecutorial supervision. Organization of law enforcement activity. Advocacy

**DISSERTATION ABSTRACT
of doctor of philosophy (PhD) on science in law**

Tashkent – 2022

The theme of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD) was registered at the Supreme Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan with number B2019.1.PhD/Yu262

The dissertation is prepared at the Academy of the General Prosecutor's Office of the Republic of Uzbekistan.

The abstract of the dissertation is posted in three languages (Uzbek, Russian and English (resume)) on the website of the Scientific Council (www.dba.uz/uz/avtoreferatlar) and Information educational portal «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Scientific supervisor: **Urozaliev Murod Karaevich**
Doctor of law, Professor

Official opponents: **Sindarov Komil Oydinovich**
Doctor of law, Docent

Fayziev Shokhrud Farmonovich
Doctor of law, Docent

Leading organization: **Academy of Ministry of Internal Affairs
of the Republic of Uzbekistan**

The defense of the dissertation will be held at 15:00 on 8th February of 2022 at meeting of the Scientific Council DSc. 31/31.12.2020.Yu.67.01 at the Academy of General Prosecutor's Office of the Republic of Uzbekistan (Address: 100047, Shahrizabz street, 42. Tashkent, Uzbekistan. Phone: (99871) 202-04-96, fax: (99871) 233-35-81, e-mail: info@proacademy.uz).

The dissertation is available at the Information Resource Centre of the Academy of General Prosecutor's Office of the Republic of Uzbekistan (registered No. 10), (100047, Shahrizabz street, 42. Tashkent, Uzbekistan. Phone: (99871) 202-04-96.

The abstract of the dissertation is distributed on 25th January of 2022.
(Registry Protocol No. 10 from 24th November of 2022.

B.Kh.Pulatov
Chairman of the Scientific Council
awarding scientific degrees, Doctor of
Sciences in Law, Professor

L.Kh. Isoqov
Scientific secretary of the Scientific
Council awarding scientific degrees,
Doctor of Philosophy in Law, Docent

F.Kh.Raximov
Chairman of the scientific seminar at the
Scientific Council awarding scientific
degrees, Doctor of Sciences in Law,
Professor

INTRODUCTION (abstract of doctoral dissertation (PhD))

The aim of the research is to develop scientific and theoretical provisions and practical proposals for improving the activities of law enforcement agencies in the fight against transnational financial crimes.

The object of the research is public relations related to the improvement of the activities of law enforcement agencies to combat transnational financial crimes, as well as existing gaps in this area.

The scientific novelty of the research is as follows:

it is substantiated the legislative consolidation of issues of strengthening interdepartmental interaction of state bodies, expanding international cooperation, including with international and regional organizations, as well as the introduction of modern methods of data collection and processing as the main directions for improving the effectiveness of law enforcement agencies in the fight against transnational financial crimes;

based on the recommendations of the Group for the Development of Financial Measures to Combat Money Laundering (FATF) and the Basel Institute of Management, as well as taking into account the best practices of a number of foreign countries (Australia, Great Britain, Germany, Russia, USA), the necessity of introducing a mechanism for internal control over the turnover of crypto assets and sending suspicious transaction reports to a specially authorized state body is justified;

it is justified that in order to ensure effective interdepartmental interaction when conducting parallel financial investigations, the necessity of legal regulation of the procedure for conducting financial investigations, as well as the interaction of law enforcement agencies in the fight against transnational financial crimes by a separate departmental act;

it is justified that based on the existing requirements of international standards in the field under consideration, as well as best foreign practices (USA, Israel, Great Britain, Russia, etc.), the necessity of creating special advanced training courses within specialized scientific and educational institutions for law enforcement agencies in the field of countering transnational financial crimes.

Implementation of research results. The scientific results obtained from the research work were used in the followings:

in order to increase the effectiveness of law enforcement agencies in the fight against transnational financial crimes, the opinion is justified on the inclusion of such areas as strengthening interdepartmental interaction of state bodies, expanding international cooperation, including with international and regional organizations, as well as the introduction of modern methods of data collection and processing as the main objectives of the Development Strategy of the national system of the Republic of Uzbekistan to combat the legalization of proceeds from criminal activity, financing of terrorism and financing the proliferation of weapons of mass destruction, approved by Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. UP-6252 dated June 28, 2021 (Act of the Cabinet of Ministers of the Republic

of Uzbekistan No. 12-18-19 dated 10/15/2021). The use of these recommendations made it possible to identify further priority areas for improving the effectiveness of law enforcement agencies in the fight against transnational financial crimes, which was reflected in the "Roadmap" of this Strategy.

based on the recommendations of the Group for the Development of Financial Measures to Combat Money Laundering (FATF) and the Basel Institute of Management, as well as taking into account the best practices of a number of foreign countries, the need for the Department to establish supervision over the turnover of crypto assets by making appropriate amendments to Article 12 of the Law of the Republic of Uzbekistan "On countering the legalization of proceeds from criminal activity and the financing of terrorism" dated August 26, 2004, No. 660-II (Act of the Committee on Combating Corruption and Judicial and Legal Issues of the Legislative Chamber of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan No. 06/1-11/1102 dated 08.10.2021). The use of this proposal has increased the effectiveness of law enforcement agencies in combating transnational financial crimes committed through the use of crypto-currencies by obtaining information about suspicious transactions through a specially authorized body in this area;

in order to provide a legal basis for conducting parallel financial investigations, the necessity of regulating the procedure for conducting financial investigations, as well as the interaction of law enforcement agencies in the fight against transnational financial crimes by adopting a Joint Instruction "On the procedure for studying the financial aspects of criminal activity in the implementation of operational investigative activities, pre-investigation, inquiry and preliminary investigation", the participants of which are the prosecutor's office, internal affairs, State Security Service and Customs authorities (Act of the Prosecutor General's Office of the Republic of Uzbekistan No.30/16-21-98 dated 15.11.2021). The use of this proposal made it possible to clearly define the role of each competent authority in the investigation of transnational financial crimes;

on the basis of the existing requirements of international standards in the field under consideration, as well as best foreign practices (USA, Israel, Great Britain, Russia, etc.), the necessity of creating special advanced training courses within specialized scientific and educational institutions for law enforcement agencies in the field of countering transnational financial crimes is justified, providing for the relevant paragraphs (p.p. 27-29) in the "Roadmap" for the implementation of the tasks defined in the Strategy for the Development of the National System of the Republic of Uzbekistan for countering the legalization of proceeds from criminal activity, financing of terrorism and financing the proliferation of weapons of mass destruction, approved by Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated June 28, 2021 No. UP-6252 (Act of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan No. 12-18-19 dated 10/15/2021). The use of this proposal contributes to improving the effectiveness of the coordination of the activities of competent authorities in the field of combating transnational financial crimes, as well as the training of qualified specialists and the unification of law enforcement practice in this area.

The structure and volume of the dissertation. The thesis consists of an introduction, three chapters, eight paragraphs, a conclusion and a bibliography. The volume of dissertation is 146 pages.

**СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ
ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ
LIST OF PUBLISHED SCIENTIFIC WORKS**

I бўлим (I часть; I part)

1. Хамзаев Д.Д. К вопросу о классификации международных стандартов по борьбе с транснациональными финансовыми преступлениями // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура Академияси Ахборотномаси // 2021 йил №3 (47) сониди Б. 58-66. (12.00.00; № 11)

2. Хамзаев Д.Д. Борьба с транснациональными финансовыми преступлениями: надзирать или координировать? // Ҳуқуқий тадқиқот журнали / Журнал правовых исследований / Journal of Law Research // 2021 йил №6 (10). Б. 72-80. (12.00.00; № 19)

3. Хамзаев Д.Д. Транснациональные финансовые преступления: теоретические вопросы // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2021). Б. 94-101.

4. Khamzaev D.D. Contemporary Trends in Combating Transnational Financial Crimes // International journal “ProAcademy” Academy General prosecutor’s office of the Republic of Uzbekistan Vol. 2021: Iss. 2, Article 5. P. 3-24.

5. Хамзаев Д.Д. Цифровизация: формирование потребностей в повышении квалификации кадров правоохранительных органов в расследовании транснациональных преступлений // Цифровизация деятельности органов прокуратуры. Сборник материалов круглого стола // Университет прокуратуры Российской Федерации. – М., 2021. Б. 156-166.

6. Хамзаев Д.Д. К вопросу взаимосвязи развития инновационных технологий и уровня финансовой преступности // Стратегия развития современной науки: Международный сборник научных статей. – Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2019. – С. 230-234.

7. Хамзаев Д.Д. Современные механизмы международного сотрудничества при расследовании транснациональных финансовых преступлений // “Замонавий юридик илм-фан ва таълим: долзарб муаммолар ва уларни хал этиш йўллари” халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси, 2021 йил. – Б.614-625.

8. Хамзаев Д.Д. Роль повышения квалификации в совершенствовании деятельности правоохранительных органов в борьбе с транснациональными финансовыми преступлениями // “Ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида илмий ва таълим салоҳиятини ошириш: замонавий тенденциялар ва истиқболлари” мавзусидаги халқаро конференция материаллари тўплами // Т.: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси, 2019. – Б. 276-283.

9. Хамзаев Д.Д. К вопросу об определении круга правоохранительных органов в борьбе с транснациональными финансовыми преступлениями // Юридик фан ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг долзарб муаммолари. “Ёш

олимлар минбари”. Илмий-амалий конференция материаллари. I жилд // Т.: “Lesson press”. 2021. – Б. 159-169.

II бўлим (II часть; II part)

10. Хамзаев Д.Д., Нигмаджанов У.У. Обучение правоохранителей вопросам проведения финансовых расследований – требование времени // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура Академияси Ахборотномаси // 2020 йил №1 (41) сонида Б. 27-31. (12.00.00; № 11)

11. Khamzaev D.D. Migration and Digitization: Risk Factors for Transnational Financial Crimes // Мамлакатимизда миграция соҳасидаги давлат бошқарувининг долзарб масалалари. Ҳалқаро илмий нашр // Т: 2021. Б. 99-109.

12. Хамзаев Д.Д. Место легализации преступных доходов в системе преступлений // Юридик фан ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг долзарб муаммолари // Т: “Lesson press”, 2020 йил. – Б. 317-323.

13. Хамзаев Д.Д. Методические рекомендации по осуществлению прокурорского надзора за исполнением законов при расследовании преступлений в сфере информационных технологий // Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари (Мақолалар тўплами) // Т.: “Top image media” 2020 йил. С. 450-458.

14. Хамзаев Д.Д., Нематжанов З.И. Правоохранительные органы в борьбе с транснациональными финансовыми преступлениями // Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари (илмий-амалий конференция тўплами) // Тошкент, “TOP IMAGE MEDIA” 2021. – Б. 239-246.

Автореферат “Бош прокуратура Академияси Ахборотномаси” журнали таҳририятида таҳрирдан ўтказилиб, ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги матнлар ўзаро мувофиқлаштирилди.